

КИШЛОК ХАЖАЛИКЛАРИ

КУНДАЛИК ИЖТИМОЙ -
СИЁСИЙ РЎЗНОМА

1991 йил 5 декабрь
ПАЙШАНБА
№ 235 (5.278).
Баҳоси 8 тийин.

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ҳафтада беш марта чоп этилади

РИЗҚ-РЎЗ САРЧАНМАСИ



ФЕРМЕРЛАР САРКОРИ

Дўстлик районидаги Ленин номидаги давлат хўжалиги фахрийси Эгамкул Мавлонов кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида пахтачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Моҳир агроном, ташаббускор бўлиб бошқарувчи сифатида танилди. Мўл, арзон ва сифатли ҳосил етиштиришнинг ўзига хос тажриба мактабини яратди. Чўл ўзлаштиришда фаол иштирок этди, кўпгина хайрли ҳаракатларнинг бошловчиси бўлди.

Хўжалик ишчи ва хизматчилари бу фидойи инсонни зўр ҳурмат билан донгизга қўзғатдилар. Энди Эгамкул ота фарзандлари бағрида тинчликни янада юртин мумкин эди. Ўндоқ борм қалб дала сари талпинди. Ота совхоз директорига маслаҳат солиди. Сўх багга мутахассислар қўшилди. Улар фермер хўжалиги ташкил этишнинг тақлиф қилишди. Эгамкул ота иккиланмай рози бўлди.

Ниятини умрдоши Момоҳол аяга айтганида унинг юзига табассум югурди.

— Фарзандларимиз ёшларга кириб қолди. Ҳамки, ишласак уларб қолмаймиз, — деди ая. — Фанат емиш масаласини беравқ ҳал қилинг.

Мавлоновлар оиласи хўжалик билан шартнома тузиб, 10 минг сўм нарс олди. Дастлаб 15 та сигир, 3 та хўнзир сотиб олишди. Икки та молхона қурилди. Фермернинг ўғиллари Асқаджон, Раҳматжон, жияни Лапас, келинлари Богдашой, Моҳирахон, неваралари Манзура ва Дилшод ҳам енг шимариб ишга киришдилар. Моллар меҳр билан парваришланди. Озуқадан тежаб-тергаб фойдаланишди. Маҳсулдорлигини оширишда Моҳол, аянинг тажрибаси, талабчанлиги қўл келди. Икки йил ичда моллар со-

ни 70 тага етди. Ёнига 40 та қўй қўшилди. Утган йили оила аъзолари қувончи на-тижани қўлга киритдилар. Истеъмолчиларга 100 тонна сут, 11 тонна гўшт топширишга эришдилар. Жорий йил кўрсаткичи янада салмоқли бўлади.

ДЕҲҚОН (ФЕРМЕР) ХЎЖАЛИКЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТНИ ЯРАТИБ БЕРАЁТГАН ЖАМОА, ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИ ҲАМДА БОШҚА КИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИНИ, УЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТАРТИБИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЗАРУР, ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН. БУНИНГ УЧУН ШАХСИЙ ФОЙДАЛАНИШ ВА ХИЗМАТ МАҚСАДЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШГА СОТИБ ОЛИШ УЧУН ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР, МОТОЦИКЛЛАР НАВБАТДАН ТАШҚАРИ АЖРАТИЛСИН.

(Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида).

— Фермер бўлиш осонмас, — дейди Эгамкул ота. — Аввало ишнинг кўзини билдиш керак. Моҳи конизор номи бўлади. Айниқса қишлоқ-қировли кунларда бироз эътиборсизлик қилинса, чўш тушиб қолиш ҳеч гапмас. Ойлаб 18 жонивор. Ҳамма-миз тиним билмаймиз. Ҳатто невараларимизча ярим кечада туриб сийгирлардан хабар олишди. Биронтаси касалланса борми, 18 кишининг тинчи бузилади. Келинларимдан миннатдорман. Қанчалик оғир бўлмасин, нолишадигани йўқ. Кўнга ҳар сийгирдан 11—12

килограммдан серқаймоқ сут соғиб олаймиз. Қишлоғга пухта тайёргарлик қўрдик. Мўл озунга жамғарилди. Муҳими хонадонимиз фермаси давлатга ҳам, ўзини ҳам катта наф келтирди. Ҳар бир кишининг ўртача ойлик маоши 700 сўмни ташкил этапти. Бир йилда ўрта ҳисобда 120 минг сўм даромад қилмоқдамиз.

Қишлоқ кишлоқлари Эгамкул отанинг яна бир фазолатини алоҳида таъкидлашди. У ҳамиша эзгуликка, ноҳар-қиналар — қўнғилишга эътибор қўлади. Бозор интисодиёти, нарх-навоининг ошгани кўпчилигини додиратиб қўйган кезда савобли ишларга қўл урмоқда. Шахсан ўзи парварши қилган таналарни сўйиб, район бозоридан арзон нархда пулла-япти.

— Саломатлик, тинчлик хотиржамлик бўлса пул топилади, дейди ота. — Савоб ҳам керак инсонга!

Эгамкул Мавлонов яқинда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларга бағишланган кенгашида иштирок этди. Тажрибаларни ўртоқлашди. Ўзини ўйлантриётган кўпгина саволларга жавоб олди. Қўтарини руҳ, улкан режалар билан хонадонига қайтди. У бир нарсадан хурсанд: ер масаласи ҳал бўлмай келатгани. Юқорида қайд этилган кенгашдан кейин кўпгина раҳбар ва мутахассислар ҳаракатга тушиб қолди. Фермерларга бўл-

ган муносабат тубдан ўзгармоқда. Отанинг нияти қорамоллар бош сонини 80 тага, сўғин сийгирларни эса 40 тага етказишдир.

М. ҚАЮМОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Дўстлик район ишбилармонлари саркори Эгамкул Мавлонов ва унинг умрдоши Момоҳол ая яна бир сийгирли бўлишди. 2. Ўй фермасидаги қорамолларнинг умумий сонини 70 тага етди. 3. Катта хонадоннинг кенжа келини Моҳирахон кўнга ҳар-сигирдан 10 килограммдан ошириб серқаймоқ сут соғиб олмоқда. 4. Фермер хўжалигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган Асқаджон ва Богдашой зотли қўйларни парваришлашда бой тажриба туллаган.

Н. АЛМУРДОВ
олган суратлар.

ЙИЛЛИК РЕЖА БАЖАРИЛДИ

Ховос районидаги Тимирязев номидаги совхоз раҳбарлари бошқа соҳалар қатори жамоат чорвачилигини ривожлантиришга қаратилган аниқ тадбирларни амалга оширишга эришди. Сўнгги йилларда моллар бош сонини кўпайди, зоти яхшиланди, зооветеринария хизмати жонланди. Осиминатор, молбоқарларнинг хизмат бурчиға бўлган муносабати ўзгарди. Бу ерда интизомга қаттиқ риоя қилинади. Илгирлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда. Айниқса қишлоқ даярида чорвадорларга алоҳида таъқирлар кўрсатилади. Шу боис ой сайин қувончли натижаларга эришил-япти.

Яқинда совхоз чорвадорлари йиллик режа бажаришнинг йиллик маълум қилди. 400 тонна ўрнига 420 тонна сут топширишди. Бу муваффақиятда тажрибали сийгир соғувчи Умриниссо Жумаеванинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Мураббий мавжуд имкониятлардан унмал фойдаланиш, махсус лот сифатини яхшилаш бора-

сида барчага намуна бўлмоқда. Қарамондаги 22 бош сийгирнинг ҳар бирининг йилига 3 минг килограммдан махсус лот олапти. Зулайхо Остонақуллова, Улмасой Қодирова, Шаҳодат Дадажонова, Карима Муллажоннова каби чорвадорлар ҳам муносабага қизгин тус беришяпти.

Бош зоотехникнинг таъкидлашича, бир соғин сийгирга 3 килограммдан эм, 10 килограммдан атала, 40 килограммдан сенга, 10 килограммдан сомон берилмоқда. Жамғарилган емиш қишлоғга етарли. Хўжалик раҳбарлари инсон омилини унуттирмайпти. Ферма ходимларига 400 килограммдан арпа, 200 килограммдан бугдой, 2 тоннадан сомон, 1 тоннадан сенга акратилган-лиги бачини хушуд этди. Яқинда эса ишчиларга 1 сўм 20 тийиндан пёз берилди. Тушлик овқат касаба уюшмаси ҳисобидан бўлапти. Бу ерда 700 бош қорамол, қариб 4 минг қўй парвариш қилинмоқда.

Т. ОСТАНАКУЛОВ.

«Октябрь 50 йиллиги» давлат хўжалиги дирекцияси хўжаликда турли кичик корхоналар очиб йўлга қўйди. Хўжаликнинг 1-бўлими 9-бригадасида тикувчилик фабрикасининг филиали ишга туширилди. Бу тикувчилик цехи учун бригаданда жойлашган дала шпильоннинг бекор туриб қолган хоналари танланди.

Бу хайрли ишнинг самараси шу бўлдики, қишлоқ ёшларидан 30 нафар хотин-қиз тиниқлашган пар ёстиқ, кўрпа-чиди ва ранг-баранг рўмолчалар савдо расталари орқали харидорларга етказилмоқда.

Район агросаноат бирлашмасига қарашли ремонт-ишлаб чиқариш корхонаси таъмирчилари йиллик режани бажаришлари ҳақида талаба рапортга имзо чекдилар. Улар йил бошидан бери 1 миллион 910 минг сўмлик ўрнига 2 миллион 500 минг сўмлик иш бажаришга эришдилар.

Бу корхонада районнинг барча хўжаликларидан келтирилган Т-4 тракторлари марказлаштирилган усулда таъмирланади. Таъмирчилар йил бошидан бери 200 дан ортиқ шундай тракторларни капитал ҳамда жорий ремонт қилишга эришдилар. Бу меҳнат муваффақиятига Фарход Раззоқов, Шуккур Тўраев ва Шуккур Тоҳиев сингари таъмирчилар муносиб улуш қўшдилар.

РОМИТАННИНГ ЖЎШҚИН ҲАЁТИ

Корхона жамоаси йил охиригача яна 220 минг сўмлик иш бажариш мажбуриятини қабул қилди.

Ленин номи жамоа хўжалигининг иссиқхонасида меҳнат қилаётган сабзавоткорлар орасида ишбилармонлар қўллаб-қувватланди. Улар яқинда яна бир хайрли ишни ниҳоясига етказишди. Иссиқхонада турли сабзавот маҳсулотларини қиш учун асраш мақсадида уларни тузалабдиган махсус мослама яратилди. Ўйин ҳар бирга 3 та тонна шундай маҳсулот сийгирдан 6 та махсус хандан ҳозирланди. Бу хандаларда мавсумда ишмай қолган помидор ҳосили, бодриг ва қарам тузланган.

Хўжалик ишбилармонларининг ниятини амалга оширишда қўриқлиш участкаси бунёдкорларидан И. Салимов, Ф. Файзиёв, Н. Бозоров сингари алоҳида жонбозлик кўрсатиб, бу ишнинг қисқа муддатда қўриб, фойдаланишга топширишга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Район раҳбарлари келгуси йил гамини ўйлаб бу йил қуви бугдой энишга катта эътибор бердилар. Бунинг

1435 гектар майдонга шундай экин экилганлигидан ҳам бунга бўлади.

Хайрли ишни «Ромитан» ва Ибн Сино номида давлат хўжаликларини деҳқонлари айниқса рисоладагидек қилиб бажаришди. Бу хўжаликларда 250—270 гектар майдон шундай экин учун ажратилди. Ҳозирги кунда мазкур хўжаликларда бўлган киши кенг пайкаларда яшил майсаларнинг барқ уриб ўсатганлигини кўради.

Шунинг диққатга сазоворин, янгидан ўзлаштирилган 500 гектар майдонга ҳам шундай серҳосил экин эниш ишлари ниҳоясига етгайди.

Вогдорчилик ва узумчиликка ихтисослаштирилган «Октябрь 60 йиллиги» давлат хўжалиги боғбонлари бу йил эл дастурхонига 550 тонна мева, 1000 тонна узум ва 180 тоннадан зиёд сабзавот ҳамда полиз маҳсулотларга етказиб бердилар. Ҳосилдорлик Ф. Жураев, Н. Вақоев, А. Қўлиевлар бошқарган менажлик ва сабзавотчилик ҳамда узумчилик бригадаларида юқори бўлди.

Хўжалик боғбонлари айни кунларда қуви-қишга тадбирларни уюшқонлиги билан олиб бормоқдалар. Боғларда зараркўндаларга қарши кураш тадбирлари ҳам сифатли амалга ошириляпти.

Вогбонлар хўжалик советига амборхонасида ўзлари учун қишга 150 тоннадан зиёд мева ва сабзавот жамғариб қўйдилар.

С. БЕШИМОВ.

ВОКЕАЛАР, ХАБАРЛАР, МАЪЛУМОТЛАР...

✦ КУНИ КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД — ИСЛОМ КАРИМОВ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШИБ ҚАЙТДИ. МУЛОҚОТЛАР ДАВРИДА МИНТАҚАДАГИ МУРАККАБ ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ, ОРОЛБЎЙЛИКЛАР ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯХШИЛАШ, ЕРЛИК АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ БУГУНГИ КУННИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ ЭКАНЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ.

✦ Россия президенти Борис Ельцин ниҳоят Жаҳоний Курилл ороллари ҳақидаги мунозарали масалага узил-кесил нуқта қўйди. У Курилл ороллари Япониёга бериш ҳақида ҳеч қандай гап-сўзларга ўрин йўқлигини кескин эътироф этиб, муаммолар бор экан улар ерлик аҳолининг хоҳиш иродасига бўйсунилган ҳолда халқаро ҳуқуқ, адолат ва ҳақиқат тушунчалари чегарасида ҳал этилажанини таъкидлади.

✦ БОЛТИҚБЎЙЛИКЛАР ЎЗ АРМИЯЛАРИ ТУЗИЛИШИНИ НОРВЕГИЯЛИКЛАРДАН ЎРГАНИШМОҚЧИ... ЛАТВИЯ МАТБЎТИНИНГ ХАБАРИГА ҚУРА, НОРВЕГИЯ МУДОФАА ВАЗИРИ ЎЗ ОФИЦЕРЛАРИНИ ЛАТВИЯ, ЛИТВА ВА ЭСТОНИЯ ҚУРОЛЛИ КҲЧЛАРИГА ҚУМАҚЛАШИШ УЧУН ЮБОРАЖАНИНИ БИЛДИРДИ.

✦ 3 декабрь куни Иттифоқ президенти Михаил Горбачев мустақил Ҳукуматлар парламентларига мурожаатнома йўллади. Унда Иттифоқдаги вазиятнинг кундан-кунга ёмонлашганини, бу эса шу кунгача қўлга киритилган ютуқларни ҳам чилпарчин этиши мумкинлиги таъкидланган.

✦ КУНИ КЕЧА КРЕМЛДА СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МУСТАҚИЛ ҲУКУМАТЛАР ИТТИФОҚИ ТУҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА ЛОЙИҲАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР. ҚИРГИЗИСТОН ВА РОССИЯ ҲУКУМАТИ ВАКИЛЛАРИ ИТТИФОҚ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИ ТУҒРИСИДАГИ ТАКЛИФИ БАТАМОМ РАД ЭТИБ ҚУЧЛИ, РЕСПУБЛИКАЛАРАО ҲУКУМАТ ТАРАФДОРИ ЭКАНЛИКЛАРИНИ БАЕН ҚИЛДИЛАР.

✦ Ливанда яна бир гаровга олинган шахс — Байрутдаги Америка университетининг муаллими 52 ёшли Алан-Стин озодликка чиқарилди. У 1987 йилнинг 24 январда номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилганди.

✦ ГРУЗИЯ ПОИТАХТИНИНГ ИСАН РАЙОНИДА ЯНА ОТИШМАЛАР БЎЛИБ УТДИ. КАВКАЗОРТИ ОКРУГИ РАКЕТА ҚЎШИНЛАРИ ХИЗМАТИНИНГ БОШЛИГИ ГЕНЕРАЛ МАГОМЕД ТИНАГОМЕДОВ КЕТАЕТГАН ЕНГИЛ МАШИНАГА НОМАЪЛУМ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ЎҚ ЎЗИЛДИ. МАЪЛУМОТЛАРГА ҚАРАГАНДА ВОКЕА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙДА ЖАБРАНГАНЛАР ЙҶК...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ КЕНГАШИ КОМИТЕТИДА

3 декабрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ошкоралик масалалари комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни комитет раиси Э. Боҳидов олиб борди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат комитетининг оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш бўйича олиб бораётган иш тўғрисидаги ахборот тингиланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Қонуни» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказишнинг тартиб-ҳақидаги қарори» асосида республика Матбуот давлат комитети муҳим ишларни амалга ошириётганлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди. Ҳозиргача Матбуот давлат комитети ва жойлардаги рўйхатчи олиш идоралари томонидан 380 та босма даврий нашрлар рўйхатига олинди. Уларнинг санкизгаси нашрларнинг таъсис этувчилари ва нашрларнинг номи ўзгартирилиши тўғрисида қайта рўйхатдан ўтказилди. Республика оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш йилида таъсис этувчилар, нашриётлар ва редакцияларга муҳим меродик ва амалий ёрдам кўрсатилди.

Мажлисда баъзи ва ширларнинг ҳозирги ва келгуси авлод учун яратадиган ноб китобларини босмадан чиқариш ҳамда бу асарларни давлат ҳимоясида олиш зарурлиги таъкидланди. 29 декабрда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик юзасидан Матбуот давлат комитети олиб бораётган ишларга алоҳида эъти-

бор берилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг телерадио давлат комитетини миллий телевизион кўрсатувлар ва радиотелетилар компанияси айлантириш ҳақидаги ахборот ҳам тингиланди.

Ўзбекистон телевидениеси муҳим аҳамиятга эгадир. Телевидение кўрсатувлари ва радиотелетиларини бугунги мураккаб шароитда меҳнаткашлар талабига жавоб бериши, зиддиятчи ҳаётимизни тўла ёритиши, тилимизнинг барча бойликлари билан фойдаланган ҳолда бетактор урф-одатларимиз ва миллий қадриятларимизни тарбию этиш зарурлиги алоҳида ўқитилди. Тармоқни замонавий техника асбоб-ускуналари билан таъминлаш, телевидение каналлари ҳамда эркин программаларни ташкил этиш, бу соҳада иш олиб борадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Мажлисда «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномалари маконини ривожлантириш ва уларнинг фаолиятини таъминлаштириш билан боғлиқ, масалалар муҳокама этилди. Шу рўзномалар таърихияти таъдир этган ҳақиқатлар Олий Кенгаши Раёсатини таъсисига кириштирилган бўлди. Ташкилий масала ҳам қўрилди. Қ. Ўзбекистон ошкоралик комитетини раисининг ўринбосари О. Маматова жотиб этиб сайланди. Т. БОТИРБЕКОВ, ЎзТАГ муҳбири.

Мустақил Ўзбекистон республикаси ўз маърифий-сиёсий камолотининг сифат жиҳатдан тамоман янги босқичга қадам қўйди. Унинг истиқболлиги истиқболнинг ана шу илм одимлари қай даражада шахматлиги кўп жиҳатдан боғлиқ. Ўзбек миллати мамлакатимизнинг бошқа халқларидан уёғонлиқ даражаси бошдан кенаяпти. Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида референдум ўтказиш ҳусусида қарор қабул қилди. Республика ўз тараққиётида маърифий суверен давлат қуришдек умуминсоний қадриятини асос қилиб олди.

Уёғонлиқ жараёнининг иккинчи маърифий-сиёсий босқичи эса демократик, инсонпарвар жамият қонунлари асосланган парламент бошқарувига ўтиш бўлди. Раҳбарликнинг бундай демократик усули президентлик бошқаруви қонунлари асосланади. Бутун туркий дунёнинг ота-бобои бўлиб Ўзбекистон биринчи марта ана шундай бахтга мушараф бўлди. Республика Олий Кенгаш ўзининг саккизинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловни ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Қонунав суверен, аслида эса мустақил республика тарихий ривожининг ана шу босқичида қонуний ҳуқуқий мустақилликка эришди. Бу тарихий зарурат, қолaversа жамият камолотининг сифат жиҳатдан янги босқичдир.

Халқимиз бахтига ана шу мураккаб жараёнининг бошида И. А. Каримовдек қатъият, одил, сиебатдон ва иқтисодий турбод. Тақдир халқимизга ҳалол-покиза, ҳар қандай шароитда ҳам ҳақ йўлга йўналишдан сардорини ҳади этди. Сиесий қиёфа чизилари одатда шахсиятдан бошланади. Ҳар бир етук сиебатдонга хос фазилат вазиёт қандай бўлишидан қатъий назар, ишлаш қобилиятини сақлаб олиш, воқеа-ҳодисалар ривожини йўналишлар, уларнинг самараларини тўғри йўлга олиш, саломатлиқ эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Президент тарихий айрим ўринларда бўйс ҳақида ахтиркорлик қилмасан (ҳатто сессияда Президентини шаънига ҳақоратомўз гаплар айтишгача бориб етилди). Батъи халқ ноибларида наикни сиесий маданият, балки парламент маданияти етишмаслиги яққол кўринди), муаммоларни тангаласига ҳақ етишга интилади, ўзи, сиебат учун аниқ йўналишдаги саяё-ҳаракат, самара зарур эканлигини ахши билди. Унинг ислохотчилик табиғати хос яна бир муҳим жиҳат — турли ҳодисаларнинг олдини ола билиш, одамлар даражиди малҳам бўлиш, халқни иқтисодий ҳимоялашнинг таъминлаш, бозор иқтисодиёти, эркин нарх-навога ўтиш даражиди турмуш даражасини имкон даражасида ахшиллашга интилиш каби серқулла, халқчил фаолиятининг янги-янги қирралари намоян бўлмоқда.

Каримов катта сиебатнинг улкан ва мураккаб саҳнасида сиесий курашлар жунбушта келган, Ўзбекистон маънавий-сиесий ҳақоратлардан қарчаган ўта оғир шароитда қириб келган. Фаолиятнинг дастлабки босқичидаги қиёққонлик, қўрт-кесарликни сиесий таърибасизлик натижасида сифатда қаралмоғи лозим. Парламентнинг еттинчи сессиясида «Президентнинг бағри кенг бўлиши» керак экан», деган иқтидорни аниқлаш таърибасининг етуклаштигани деб тушуноқ жоиз. Шу жиҳатдан Ислам Каримов совет даражиди миллий раҳбарларимиз авлоди сафиди мутлақо янги, демократик сиесий маданиятнинг маърифий кўринишларини таъкид этган инсон сифатиди намоян бўлганлиги таъкидидир. Ўзбекистон, бутун Туркистон тарихида бу зотнинг илк парламент сардори сифатиди қаттиқлигининг сабаби ҳам шунда.

Ислам Абдуғаниевич Ўзбекистонда биринчи бор миллий демократик парламентга асос солиди. Сиесий, иқтисодий бошқарув тартибини тубдан ўзгартирди. Жамоатчилик фикрига, ошкоралик ва демократияга асосланган ҳолда дадил ислохотлар қилди. Улар аввало, одамлар онгига қалбиди рўй берди. Одамга кенг назар билан қараш, республикани маърифий дунё билан боғлаш ва шу орқали томонларнинг гуллаб-яшнаши учун имконият яратилишдек улугу ният соҳиб — Президентимиз тинч йўл билан халқни, Ватанини давлат мустақиллигига олиб келди. Энг муҳими, инсон ҳуқуқини миллий ҳуқуқидан устуң қўйган ҳолда маърифий-миллий давлат пойдеворида асос солиди.

Каримов сиебати — мустақиллик сиебати. Президентдан мутлақо янгиқа ёндашулар, қарор ва иқтидор қутилиди. Булар эл севган раҳбарда етарли. Омма фикрини тинглай, билиш, турли гуруҳларнинг вакиллари билан ҳамкорлик қила олиш, улар билан рақобат қилишдан қўрқмаслик, рақиблари қарашларидан ўзи учун фойдаланиш ола билиш каби мардоналик салоҳияти ҳаёт синовидадан ўтди. Шахсий табиғатидаги ана шу қадриятлар шарофати туфайли биз мустақиллигимизни мустақамлаб олишдек, саодатга эришасан ажаб эмас. Бу миллий-сиесий маданиятимизнинг умуминсоний фазилатлари сари ташланган гўли одими бўлади. Бахтга қарш бунга ҳанузгача ҳамма тўла тушуниб етгани йўқ.

Миллий психологининг сабрсизлиги, ўз-ўзини алдашлари «хўп бўлади»лар билан овутишлар, бир таппи айтиб, мутлақо тескарисини қилиш, ҳайбараналчилик, фикр ялқовлиги, ўзим бўлайлик, ҳудудлик, жинзакчилик, ҳақто сотқинлик каби аяғли иллатлар илдизига болта урилмасан, ҳали кўп йиллар мустақиллик оёғига кишан бўлиши турган гап.

Мустақиллик ва у билан боғлиқ туб ўзгаришлар теран ҳамжиҳатлиқ, соғлом кучларнинг умумманфаат йўлидаги ҳамкорлигини, қадриятларини ишбилармон сиесий етук, жаҳоний тафаккур эгаси бўлишларини тақозо этади. Бутун миллат, элу юрт эзгу мақсад йўлида бир билан бош чиқариб дадил ҳаракат қилиш керак. Лоқайд, томошабин бўлиш, қиёққонлик йўлининг элнинг каттадан-кичиги ҳис қилмас экан, қисмат ва тарих инъом этган буюк саодат — мустақилликдан маҳрум бўлиш ҳеч гап эмас. Зеро, мустақилликни эълон қилишдан ўчи сақлаб қолтиш мураккаброқ. Даҳолардан бири айтганидек, ақли бўлиш учун ёлғиз ақл камлик қилади. Унга жуда катта билимдонлик, сиесий, иқтисодий ва инсоний-маърифий тақриба керак.

Равшани, мустақиллик ҳаммаша шафқатсиз реалистлиқни, диалектик ёндашуви тақозо этадиган тушуноқ, қадриятдир. Ақ ҳолда ўзликка маҳлиелик юзага келади. Сиесий савияси, маънавияти паст омма учун маҳлиели ҳам, қуллик ҳам баббаравар хавфлидир. Халқнинг юксак сиесий-иқтисодий онгини шакллантириш ва тарбиялашдек мураккаб мафқуравий фаолиятни собит йўлга қўймасан, ҳақиқий демократияга, ошкораликка кенг йўл очмасан, сиебатда кўп тартибликка, маданиятда турли оқимларнинг эркин мусобақасига эриша олмасан ҳеч қандай мустақиллик, ҳуқуқий давлат қуриш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Шу боис демократик принципларга қаттиқ суяниб, бошбошдоқликка, марказлаштиришдек ярамас сиебатга, бўйруқ-бозилка берилмаган ҳолда мавжуд қонунлар, «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлар Декларацияси» қондалари доирасида эркин ҳаракат қилиш имконини берувчи анъанавий-ҳуқуқий

усулу шакллардан фойдалана билиш маданиятининг ўзинида шакллантиришимиз даркор. Ақ ҳолда ана ўзини, ана Президентимизни ва мустақиллигимизни ҳимоя қилмай оғизу нотавонлигимизча қолаверсан, «улар ўзини мустақил идора қилишга ярамайдилар» деган маломатлардан қутулмайман.

Гап таъқиқловчи айрим қарорлар устиди кетмоқда. Эҳтимол, уларни бекор қилиш ҳозирча имконсиз. Негани, дунёда ҳақиқатдек иқтисодий, тушуноқ йўқ. А. Солженицин айтмоқчи, бунга рост сўзининг тоши дунё торозусини босиб етиши мумкин.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари топталган жамиятда яшаб, унинг мўмин-мусулмон меросхўрларининг мустақил бўлиши, ҳуқуқини сақлаб, уни ҳуқуқий, демократик, эркин ва матрийф даражага қўтариши ақл бовар қилмас мураккаб жараёндир. Лекин инсон эркинлиги, қадр-қиммати аввало юрт истиқлоли, шаъни эканлигини унутмаслигимиз керак. Бундан улғурроқ неъмат йўқ. Ортада эса яна қуллик кутмоқда. Ўзликни англашнинг бу оғир, серазит жараёни барчадан оммавий фидоилиқни, ақл-заковатни, сабр-қаноатни

қисматни танлаган сардор сиесий йўлни ўзига хос тарзда белгилади. Унинг билан бир пайтда катта сиесий ҳаёт саҳнасида кўтарилиган бошқа республикалардаги масалаларнинг дерали барчаси ўзлари мансуб Компартиялардан воз кечдилар. Бироқ Каримов ўзи танлаган йўлга содиқ қолди: Компартия фаолиятини Низомига асосан тўхтатиб, янги ташкил этилган Халқ-Демократик партиясининг сиесий вояси, деб эълон қилди, таъсис қурултойида бир овоздан раисликка сайланди. Шу партиянинг раис сифатиди ХДП пленумида Ўзбекистон Президентлигига номзод этиб кўрсатилди. Ислохотчилик табиғати, қатъиятли билан қўшилиб, бу гап ҳам ўзи ўзгалардан фарқи ўлароқ муҳим сиесий қарорлар қабул қилишга олиб келди. Республика ҳаёти шу тариқа бир девордан иккинчига урилишдек сиесий ахтирлар қайнаб тошган оғир маънавий жароҳатдан фориғ етилди. Ҳали ҳаёт барча ўзгаришларга ўзининг муносиб баҳосини беради.

Президент Ўзбекистонни қиримизча, Оврупо тисмоларида мустақил давлат қилмоқчи. Барча қўшинлар билан ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатмоқчи? У собиқ Совет Итти-

билан алоқалар қўмитаси, божхона қўмитаси ва ташқи иқтисодий алоқа банкининг юзага келганлиги, миллий валюта фондидаги эга бўлишнинг, ероти, ероти бойликларимизнинг ўзинида қолдирилиши, иттифоқ қарамондаги қорхоналарнинг республика тасарруфига ўтказилиши, мустақил ташқи иқтисодий, савдо алоқаларининг йўлга қўйилаётганлиги барчани қувонтирмоқда. И. Каримов иқтисодий олим, етук мутахассис сифатиди мустақиллиқнинг эртаги кўнига катта умид билан қараётганлиги кўриниб турбиди. Ишбилармонларнинг Тошкент учрашуви, қорхонадаги татаулларимиз билан мулоқотлар, халқроқ «Э» ҳаракатининг фаолияти, ҳамкорлик қорхоналари қурилаётганлиги, етук иқтисодий ва дипломатик қадрлар тайёрланаётганлиги юқоридаги фикрлар исботидир. Шу тариқа Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбари етакчилигида мустақил иқтисодий сиебатнинг яхлит концепциясини ишлаб чиқмоқда. Бозор иқтисодиётига, кутилаётган эркин нарх-навога босқичма-босқич таъйиғарлик кўриляпти. Янги иқтисодий тафаккур, иқтисодий маданият, иқтисодий ислохотчи молиявий танлаш билан боғлиқ. Президент таъбирларида эркин бозор биз учун шунчаки бир мақсад бўлиб қолмаслигига алоҳида эътибор бераётганлиги қувончлидир. И. Каримов бошлиқ ҳукумат фаолиятида иқтисодий мустақил ислох қилиш бўйича бир-бири билан узвий боғлиқ таъбирлар мавжуд. Улар балки биз қўйиб қолган оддий дастурлар шаклида яхлит эмасдир. Аммо бу мустақил Ўзбекистоннинг ҳокимияти фаолияти режасиз экан, деган ҳулосага келмаслик керак.

Ишлаб чиқилаётган янги концепция асосидаги бозор учун кураш И. Каримов ва унинг масалаларидан иқтисодий ислохот борасида гоят дадил ҳаракатларини талаб қилади. Чиройли гапиршдан, чиройли таъйишлардан чиройли ишлашга, чиройли иқтидорга ўтиш осонмас. Президентимизнинг давлат бошлиғи сифатиди фаолиятида мустақиллиқнинг маънавий, ахлоқий, маърифий қадриятлари алоҳида ўрин тутади. Сиесий ҳаётнинг бош меъдони халқ фикрига таъини ҳисобланади. Маънавий-ахлоқий ҳаётнинг Наврўз, дин билан боғлиқ миллий урф-одатлари, анъаналари халққа қайтариб берилди. Тарихда биринчи марта бутун бир йил Навоий йили деб эътибор етилди ва буюк шоирнинг 550 йиллик тўғи жаҳоншумул ишлонланди. Тошкентда махсус бог ташкил қилинди. Қатагон йилларининг қурбонлари — Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий қадриятлари тикланди. Улар улугу бобомиз номи билан аталуви мустақил давлатнинг олий муқофотиға сазовор бўлишди. Оммавий ахборот воситалари миллийлаштирилмоқда. Маърифат, таълим-тарбия сиебатнинг нуфузли соҳасига айланди. Ана шу муқаддас ишлар орасида икки муҳим далил — Марказининг иқтисодий адолатсизлиги қурбон бўлган кишиларнинг қамқончалардан озод этилгани, халқимизнинг мумтоз фарзанди Шароф Рашидов пок номи қайта тиклангани миллионлар қалбига илиқлик олиб кирди. Президентимиз обрў-эътиборини янада оширди.

Олий ахлоқийлик раман бўлиши давлат мустақиллигини тиклашга, энди инсон инсондек яшаш учун қўлай шароитни, муҳитни яратилиши лозим. Бу — сиебат деб аталмиш нозик санъатнинг олий намунаси. Одамларда эртаги кўнга қомил ишонч уйғота олмас эканми, барча саяё-ҳаракатларимиз озе кетарди. Худди шу ишонч мавжуд бўлсан, маънавий бутун бўлади, миллий руҳият тетиқлашади, халқнинг жисму жони руҳи сингари соғломлашади. Зеро-оқ қоринда, шунча эътиқоқда тўлиқ мия — етук миллий он бўлмайди. Мустақиллиқнинг умидбахш истиқбол шаклланамак соғлом авлод қўлидадир. Давлат бошлиғимизнинг сиесий, иқтисодий, иқтисодий, маънавий-маданий сиебати яхлитлигига худди шу муқаддасликка сафарбарлиги билан қимматлидир. Истиқлол инсоний-маърифий қиёфа касб этсагина ахлоқий, маърифатли бўлади.

Нарзулла ШОДИЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.



ТАНҚИДНИНГ ТАЪСИРЧАН КУЧИ

Бундан уч йил муқаддам «Қишлоқ ҳақиқати» рўнома-сида каминанинг «ФАҚАТ МЕХНАТ ЭМАС, РОҲАТ ҲАМ КЕРАК» деб номланган танқидий мақоласи босилган эди. Унда Каттақўрғондаги қўйларни бурдақча боқиш ва қоракўл тери етиштириш комплексиди маданий-маънавий хизмат, одамларга шарт-шароит яратиб бериш борасидаги камчиликлар танқид қилинган эди. Комплекс раҳбарлиги танқиддан сўнг қандай ишларни амалга оширганиликлари билан танишиш мақсадида ушбу қорхонага бордим. Директор хонасида тўрт-беш киши суҳбатлашди ўтирдилар. Улар: — Бош иқтисодчи Баймат Уринов, қурилиш муҳандиси Ҳақберди Раҳмонов ва бош зоотехник Акбар Абдулғаевлар эди. Мен халатик берганим учун уз сўрадим. Комплекс раҳбари Эркин Турдиев ўтиришга таъкид этаркан: — Келганимиз айтим мудоао бўлди, — деди самийи қулиб, — Ўтган давр ичиди қилинган ишлар, режалар тўғрисида кенгашиб олмақчи эдик. Жумладан, сизни қизиқтирган масалалар тўғрисида ҳам, қўшиб қўйди, у.

— Акс ҳолда беғам бўлиб кетамиз, «Қишлоқ ҳақиқати» муҳарририятига раҳмат, ўшанда ўринли танқид қилиб, кўзимизни очиб қўймаганда режа орқасидан қувиб, инсон омилининг унутиб қораверганимиз. Мана ҳар ҳолда қораворларнинг турмуш даражасини ахшиллаш борасида анча-мунча иш қилдик... Каттақўрғон қўйларни бурдақча боқиш ва қоракўл тери етиштириш комплексиди жумхуриятимизда мавжуд бўлган олти ҳўжалиқнинг энг йиринги, тўғичи. Муҳим таърибалар бундан қарийб ўттиз йил муқаддам, мамлакатда биринчи бўлиб, айтиш шук қорхонада амалда синиб қўрилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилган. Хайри ишининг ташаббускорлари: собиқ бош зоотехник, марҳум Исмоил Нигматуллин, шу кўнларда қарийб гаштин сураётган, йиллар мураббийси Бадир ота Ёшиммидинов, қорхона раҳбари Эркин Турдиевнинг номилари қоракўлчилик тарихи саҳифаларига зерҳал қарфлар билан ёзилган.

Наманган райониди Тельман номли жамоа ҳўжалиғида гилам тўқиш цехи очилганига кўп бўлган йўқ. Қисқа вақт ичиди ўйлаб қиз-жувоилар бу касбининг сир-асорини пухта ўзлаштириб олдилар.

СУРАТДА: қўли гул тўқувчилар — Маъпура Аҳмедова (чапда) ва Мўътабар Холматоваларни кўриб турибсиз.

А. КОВТУН олган сурат. (ЎЗАТ).

Каттақўрғон райониди 2-паррандачилик қорхонаси жамоаси йиллик режани ўн ойда бажарди. Шу кўнгача истеъмолчиларга 5 миллион 440 минг дона тухум, 372 тонна пархез гўшт етказиб берилди. Яқинда жамоага америкалик мутахассислар таъриф буюриб, ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги шартномаин имзоладилар. Демак маҳсулот етиштиришни сезиларли даражада кўпайтириш учун янги имкониятлар яратилди.

СУРАТДА: қорхона муваффақиятига муносиб ҳисса қўшаётган паррандабоқар Роҳила Маматова.

Ш. СУЛТОНОВ олган сурат.



ЖУМҲУРИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

БУХОРО ХОНАТЛАСИ
Орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтгач, Бухорода яна хонатлас тўқиш йўлга қўйилди. Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи Рафқовлар оиласи бу ишни биринчи бўлиб бошлаб берди. Шаҳар ижроия комитетининг рухсати билан уларнинг уйда ташкил этилган кичик қорхонага олтида дастгоҳ ўрнатилди. Ҳозир ҳар бир дастгоҳ билан ойнага 300 метр сифатли хонатлас тўқилмоқда. Хунарманлар оиласи пилладан ипак ўраш технологиясини ҳам ўзлаштириб олди.

ШУНДСИ
Этиборлики, Рафқовлар кичик қорхонасида бунёд этилаётган хонатлас давлат баҳосидан анча арзон сотилмоқда.

КОНЦЕРН ИШ БОШЛАДИ
Навоий шаҳрида «Қизил-кўмредметзолот» давлат концерни иш бошлади. Унинг фаолияти асосан геология қилинув, илмий-техник, лойихлаштириш, қурилиш ишлари, таркибиди олтин ва бошқа қимматбаҳо металллар бўлган рудани қазиб олиш,

харидорлар ва савдо ходимлари учун барча шароитлар яратилган.

Барча жиҳозлари Эстониядан келтирилган савдо маркази асосан икки бўлидан иборат бўлиб, озик-овқат ва саноат моллари билан савдо қилади.

— Расталаримизни зарур озик-овқат ва саноат моллари билан тўқдиришда «Партия ХС съезди» матбуот жамияти ходимларининг ҳиссаси катта бўлмоқда, — дейди савдо маркази директори Каримжон Маматалев. — Уларнинг саяё-ҳаракатлари туфайли қисқа вақт ичиди қарийб бир миллион сўм савдо қилдик.

СОВҒА
Германиянинг Шпеер шаҳри эсперанточилар самарқандлик ҳамкасбларига аjoyиб соғва юбордилар. Николай Фон Вайс номи гимназия ўқитувчиси, таржимон Франс Георг Расслер қаламига мансуб «Эсперанто» китоби Самарқандда фаолият кўрсатаётган тинчлик ва бирдамлик мезинининг ноёб асариға айланди.

Шпеер ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида қўйлан бўйи аўстона бонус. Урнатилган алоқа бонуси бор, албатта. Невислар дйеридаги бу юрт ҳам қулди Самарқанд каби узоқ тарихга, бой маданият ва қўна обидаларга эга.

Я. ХУДОЙҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти.

Қишқи иқтисодий ўқув

Бозор иқтисодиётига ўтишда ҳўжалик юртишнинг янги шароитида раҳбарлар, мутахассислар, оммавий касб кадрларининг маҳоратини доимий ўстириш, билимларини чуқурлаштириш, шунингдек келгуси йилда қишлоқ ҳўжалиги ишларини муваффақиятли ўтказиш мақсадида деҳқончилик-саноат мажмуи бошқаруви, вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаларининг тақдирларини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги 1991/92 йилларда кадрларнинг қувиқчи қўлувини ташкил этиш керак, деган қарорга келди.

Деҳқончилик-саноат мажмуи бошқаруви ташкилотларида фаолият кўрсатаётган айрим раҳбарлар ва мутахассислар бозор иқтисодиёти қонуниятларини яхши тушунамасликларини, ўзларига юклатилган бурч ва вазифаларини бажаришда ишнинг қўлувини билмасликларини ўтган йил охирида юзма-юз ўтказилган суҳбат яққол исботлаб берди.

Мулоқот натижалари айрим раҳбар ходимларнинг, бош мутахассисларнинг ҳар кун бажариладиган энг оддий вазифа ва бурчларини чуқур билмасликлари кўрсатди. Масалан, Хоразм вилоятидаги суҳбатда иштирок этган раҳбарларнинг ҳар биридан бири, Бухорода турган бири саволларга тўғри жавоб берилар, холос. Андижон вилоятидаги ҳар урта қоралдордан битта, Ўзбекистон вилоятидаги ҳар иккитадан битта иқтисодий, ҳисобчи, механизаторлар, Сурхондарёда ҳар иккитадан битта раҳбар, турганда битта зоотехник, ветеринар, шифокор, утатдан битта механизатор берилган саволларга мутлақо жавоб қайтаролмадилар. Энг ачинарлиси, иқтисодиётни бошқарувчи, раҳбарлаштиришчи йўналишдаги касб эгаларининг 371 тасидан 130 нафарини янги иқтисодий муносабатга ўтиш, баҳо белгилаш масаласи, молия ва ҳисобот масалаларини умуман билмас экан.

Суҳбат ўтказилган район деҳқончилик-саноат уюшмалари ҳодимларининг турдан бир қисми касб маълумотлари ўта пастлигини намоён қилишди. Бу шунинг кўрсаткичи, бошқарув ташкилотларидаги бошқарувчи, мутахассисларнинг қўлуқлиги касб малакасини ва ишбилармонлик маҳоратини оширишда ўз устидан ишламаётганлиги, махсус адабиёт, касбага оид жарадалардан фойдаланмаётганлиги, илмий тараққиёт, илгор фан ва тажриба ютуқларини, махсус энтузиазининг янги тарафларини кўришда қўлуқлиги жараёни турмушга таъсир қилмаётганлиги.

Бунинг асосий сабабларидан бири ҳар иқтисодий иқтисодий ўқувни ўтказишнинг қўлуқлиги, ўқув ва ўқитиш жараёнида назоратчилик, тарбиячи йўналишларининг пастлиги, ўқувда янги дастур ва ўқув қўруқлари йўқлиги, тингловчиларда ўқазилмаган мавзуга қизиқиш ва эҳ-

тиёж уйғотилмаганлиги, дарслар қизиқарли, жонли мисоллар билан ўтилмаслигидадир.

Деҳқончилик-саноат мажмуида қарашли корхона ва муассасаларда, давлат ва жамоа ҳўжаликларида деҳқончилик-саноат мажмуи бошқаруви ишлаб чиқариш-иқтисодий ўқувни бошлади. Шу муносабат билан жумҳурият деҳқончилик-саноатининг бошқаруви олий мактаби услубкорлари турли табақалардаги раҳбарлар, мутахассислар, ишчи ва хизматчиларга мослаб бўлиб иқтисодий ўқувнинг мавзуси дастурий ишлаб чиқилар ва оммавий намуна тариқасида тасвир қилинлар.

Жумҳурият ва вилоят деҳқончилик-саноат мажмуининг бошқаруви идоралари раҳбарлари ва мутахассис-

ий йўналишларини, давлат томонидан қандай баҳолашнинг бошқаруви, эркин ва бозор баҳолашнинг белгиловчи омиллар (ишлаб чиқариш харажатлари, махсусот сифати), озиқ-овқат махсусотлари баҳосини белгилашдаги давлат тартиби, нарх-наво олиб кетиши натижасида йўқотилган маблағларни қоплаш учун тўлов (товон) тўлаш йўли-йўриқларидир.

Оқтинчи мавзуда деҳқончилик-саноат мажмуини маблағ билан тўғри таъминлашда молиявий воситалардан фойдаланиш, заруриятлари тўғрисидаги масалалар кўрилади. Бозор иқтисодиёти шароитида деҳқончилик-саноат мажмуини маблағ билан таъминлаш, молия тартибини қайта қуриш; бозор иқтисодиётида корхоналарнинг даромадларини (бюджет) ташкил қилиш; солиқ тартиби ва унинг бозор шароитида тутган ўрни; банклардан маблағ олиш ва бериш тартиблари ана шундай масалалардир.

Еттинчи мавзуда моддий техника таъминотининг ўзига хос хусусиятлари, бу соҳадаги нуқсонлар, моддий техника таъминотидаги улгурчи ва чакана савдо, махсусот ва товар биржалари, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари, ижара ширкатлари, жамоа, давлат ва бошқа ҳўжаликларини моддий-техника билан таъминлаш, агро-сервис хизматини ташкил қилишга бағишланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ аҳолини ижтимоий ҳимоялашга оид қўнуқ-қондалар, бу масаланинг давлат томонидан бошқарилиши, кафолат турлари, бадал тўлаш, даромад тартибига солиш, меҳнатга қўбилансизларни, кам таъ-

минланган аҳолини ва нафқа олувчиларни ижтимоий ҳимоялаш, энг кам истётмо бюджет ва уни минтақалар бўйича табақалаш, ишчи, кучлари бозори ва ишсизликнинг олдини олиш йўллари саккизинчи мавзуга жамланган.

Тўққизинчи мавзуда деҳқончилик-саноат мажмуини ҳўқуқий маромлар билан таъминлаш, бозор муносабатларини ҳўқуқий нормалар билан тартибга солиш, жумҳурият қонуқлари, шартномачиларнинг ўзаро жавобгарлик ҳўқуқий нормалари, деҳқончилик-саноат корхоналарининг фаолиятини тартибга солиш қонуқлари таъмин ўрганилади.

Нихоят ўнчинчи мавзуда деҳқончилик-саноат корхоналари, ташқи иқтисодий фаолият, ишлаб чиқариш самардорлигини оширишда ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг таъсири, қўшма корхоналар, бирлашмалар тузили, давлат билан савдо-сотиқда дўн (халқаро) баҳолашга ўтиш, ҳўжалик юртишда чет эл тажрибаларидан фойдаланиш ва унинг самардорлигини ҳақиди.

Ишлаб чиқариш-иқтисодий ўқувини ташкил қилишдаги кўп йиллик тажрибаларга кўра ўтилган дарс якуинини давра суҳбати билан тугалаш зарур.

Хозирги кунда мамлакатимизнинг кўзга кўринган иқтисодчилари бозор иқтисодиёти қонуниятларини маъини очиб бевучи жуда кўп мунозаларни кундалик руҳоналарда, жарадаларда баён қилмоқдалар. Ана шу фикр ва мунозалардан самарали фойдаланган ҳолда таъмин қилинган дастур мавзусидан бозор иқтисодиёти қонуқларига суяниб, янгилик шаклда ҳўжалик юртишда, раҳбарлар ва мутахассисларнинг ишнинг қўлуқлиги, уларда омиликорлик фаилатларини ўстиришда, касбий малака даражаларини оширишда самарали қўлуқлиги керак. Қувиқчи қўлуқлиги даврида шундай мавзуларни танлаш керакли, улар мутахассислар ва раҳбарларнинг мустақил, эркин фаолият кўрсатишларида қўмақлашсин. Бундай амалий ва назарий қўнуқларнинг қисқа муддатли ишлаб чиқариш-иқтисодий ўқув жараёнида тингловчиларга содда ва раво тилда, тўла-тўқис етказиш қўп жиҳатдан тарғиботчи ўқитувчиларнинг маҳоратига, мавзу ва маълумотномаларни танлаш қўбилансизлигига, билимдонлик даражаларига, ўқиш жараёнини ташкил қилишдаги шароитга боғлиқ.

Бефарқлик, масъулиятсизлик, лоқайдлик, меҳнатдан бўйин товлаш, юқоридан бўйруқ ва кўрсатмалар қўтиб туриш салбий натижаларга бевучи тингловчиларга жонли мисоллар ердадаги тушуқтириш дастурдаги маълумотларни ўзлаштиришга катта илжон яратди.

А. ИКРОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ўринбосари.

Фанимиз заҳматкашлари

ИЛМУ ҲИҚМАТ СУВНИ ЁНДИРАР

Халқ ҳўжадигининг бирон-бир тармонини тараққиёт этиришини илм-фансиз тасаввур этиб бўлмайди. Қишлоқ ҳўжалигининг ривожини ҳам бундан мустақило эмас. Ўшбу соҳада ўз хизматлари билан беғиёс ҳисса қўшган йирик олимларимиз қўп. Республикаимизнинг ана шу муҳим соҳасига катта улуш қўшган таниқли илм намояндларидан бири Абдували Имомалиевдир. Таъбир жоиз бўлса, унинг қишлоқ ҳўжалиги фанидаги хизматини ёшлар қалбига кўр солиб турувчи, истиқбол йўлини ёритиб турувчи энг манбага қиёслаш мумкин.



Абдували Имомалиев ўзининг 36 йиллик илмий педагогик ва жамоатчилик фаолиятини деҳқончиликнинг равақига, меҳнаткашнинг оғирини енгил қилишга, қўбилансизлиги шогирдлар тайёрлашга бағишлади.

Ўттизинчи йиллар халқимиз ҳаётида нақадар мураккаб давр бўлганлиги ҳамма маълум. Деҳқонлар оғир босқич — жамоалаштиришнинг бошдан кечираётган эдилар. Ана шундай паллада Ўстонлиқ районининг тоғли Бурмулла қишлоғида темирчи оиласида бир фарзанд дўнга келди. Абдували Имомалиевнинг ёшлиги илм ўрганиш, фанга чуқурироқ кириб бориш билан ўтди. Тириқчоқ, меҳнатсевар йигит ўзининг теран фикрлаш, серғайратлиги билан тенқуларни орасида ақриқиб турди. У ўрта мактабни битиргач, Ленин номида Ўрта Осие давлат дорилфунунига ўқишга кирди. Талабалик йиллари илм дўнсига чуқурироқ кириш даври бўлди. Фанга ҳавас-иштиёқ эзгу мақсадга айланди. Дорилфунунини имтиёзли тугатган ёш мутахассис олимлик йўлини танлади. Илмий изланишларини давом эттиришга аҳд қилди. Бу борада унга дорилфунун муаллимларидан профессор П. Азизов, йирик олим Н. Тодоров катта ёрдам кўрсатдилар. Чунончи Н. Тодоров у билан биргаликда илк бор пахта толасида целлюлоза биосинтезига хизмат қилувчи муътадил ҳароратни аниқлади. Абдували Имомалиев ўзининг кейинги йилларидаги изланишларида бу муаммага бир неча бор мурожаат қилди.

Дорилфунундан сўнг унга аспирантурага йўналма берилди. А. Имомалиев мамлакат Фанлар академияси қопидаги К. А. Тимирязев номида ўсимликлар физиологияси илмгоҳининг аспирантурасида ўз тадқиқотларини давом эттирди. Бу ерда СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, биология фанлари доктори, профессор Ю. В. Ракитин раҳбарлигида мамлакатда биринчи бўлиб Подмосковье шароитида мевали дарахтларнинг кимёвий дефолация қилиш бўйича изланишлар олиб борди. У аспирантурада ўқиб юрган кезларида жумҳуриятда мизда пахта ҳосили асосан қўлда териб олинарди. Бу оғир меҳнатни енгиллаштириш ёш олимнинг эзгу мақсадларидан бири эди. Ана шу соҳада самарали тадқиқотлар ўтказди, ўсимлик баргини табиий ва сунъий тўқтириш устида илмий кузатишлар қилди. 1959 йилда «Мевали дарахтларда кимёвий дефолация» деган мавзуда диссертация ёнлаб фан номзоди бўлди.

У қилаётган ишлар муҳимлигини пайқатган Ўзбекистон Фанлар академияси президенти академик Ҳасиб Абдуллаев 1960 йил бошида унга катта ишқон билдириб академия қопидаги

ўсимликлар физиологияси билимгоҳининг ўсимликлар дефолация ва десикация қилиш лабораториясига мудир этиб тайинлади. Шу даврда, кейинроқ билимгоҳнинг фан бўйича директор ўринбосари бўлганда у ўз илмий ишларини давом эттириш билан бирга янги лабораториялар ташкил этишда фаол қатнашди. Вилта чидамлилик генетикаси, вилта қарши биологик ва кимёвий усуллар билан курашиш, вилта чидамлилик физиологияси ва биохимияси лабораторияси шулар жумласидан. Бу тажрибахоналар қўлуқлиги вилта бардоши бир қатор навларини яратиш ва амалиётга жорий этишда беғиёс улуш қўшди.

Абдували Имомалиев бироз муддат СССР Режа давлат қўмитатининг пахтачилли бўйича Ўрта Осие илмий давлат қўмитасида бош мутахассис бўлиб ишлади. 1964 йилдан 1968 йилга қадар республика Фанлар академиясининг ўсимликлар экспериментал биологияси билимгоҳида илмий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлди. Ана шу кезларда билимгоҳ илмий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлди. Ана шу кезларда билимгоҳ жумҳурият пахтачилигида кўплаб истиқболли фан ютуқларини етказиб берди. Ўзга баргини табиий ва сунъий тўқтириш, серҳосил, касалликларга чидамли янги навлар яратиш шундай ишлар қаторига кирди. Буларда эса А. Имомалиев бошқоқ бўлди. Айни пайтда иқтидорли олим ўзининг докторлик диссертацияси устида ҳам қаттиқ ишлади. 1967 йилда «Дефолация ва уларнинг ўзига физиологик таъсири» мавзусида докторлик ишини муваффақиятли ёнлади. Унда ўзга баргини сунъий тўқтиришнинг моҳиятини очиб берди ва пахтачиликда машина теримига асос солиди. Етагич тармоқда энг сермеҳнат жараён механизация зиммасига юкланиб, пахтакорларнинг мушқули сезиларли даражада осонлашди.

Бугунги кунда А. Имомалиев мамлакатимиз илмий жамоатчилиги орасида таниқли олимлардан ҳисобланади. Унинг ўзга баргини тўқтиришда, самарадорлигини ва ҳосилдорлигини оширишда қилган ишлари, пахтачиликда дефолация, десикантлар, гербицидлар ва бошқа физиологик фаол қўшилмалардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги янги тадқиқотлари хорижда ҳам қўпчилиққа маълум.

Абдували Имомалиев таниқли олим бўлиши билан бирга меҳрибон устоз ҳамдир. У юксак малакали мутахассислар тайёрлашга, иқтидорли илмий кадрлар этиштиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Тошкент қишлоқ ҳўжалиги олий билимгоҳида ректор бўлиб ишлаганида куч-ғайратини ана шунга сарфлади. Жумладан, ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш кафедрасини ташкил этди. Ҳозирги пайтда зараркундаларга қарши биологик усул билан кураш олиб бориладиган кетидонлар 5 миллион гектардан ошиб кетди. Унинг фаол иштирокида қатор илмий кенгашлар иш олиб борди, улардаги ёшларнинг илмий изланишлари ишлаб чиқаришга, деҳқончиликни ривожлантиришга катта таъсир қўшди.

А. Имомалиев 1975—1976 йилларда ВАСХНИЛ Ўрта Осие бўлимида академик котиб бўлиб ишлади. Шу қисқа фурсат ичида бир неча кишидан иборат бўлган бўлим юздан ортақ киши ишлайдиган катта илмий марказга айланди. Шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги илм-фани қулаари бир ерга муассамлаштирилди.

1976 йилда, кейинроқ 1983—1986 йилларда Бутуниттифок пахтачилик илмий-тадқиқот билимгоҳида бош директор бўлиб ишлаганида пахта лнжаҳқончилигини бартараф этиш, тармоқда алмашлаб кишини йўлга қўйиш, табиий ўғуллардан кенг фойдаланиш, туپроқ ҳосилдорлигини ошириш, ўсимликлар зараркундалардан биологик усулда ҳимоя қилиш борасида катта ишларни амалга оширди.

Олимнинг илм соҳасидаги йирик ишлари муносиб надрлардан келмоқда. 1970 йилда у Бутуниттифок Қишлоқ ҳўжалиги фанлари академиясининг мухбир аъзоси, 1978 йилда эса ҳарқий аъзоси этиб сайланди. А. Имомалиев ёнган китоблар, қўлланмалар, мақола-лар, қишлоқ ҳўжалиги мутахассисларининг иш дастурлари бўлиб хизмат қилмоқда. У 600 дан зиёд турли мақола-лар, бешта монография ва бошқа илмий ишларнинг муаллифидир. Уларнинг айримлари хорижий мамлакатларда ҳам қўп этилган. Олим 1983 йилда СССР Давлат мукофоти, 1985 йилда эса республика Беруний мукофоти соҳиб бўлди.

Меҳрибон устоз, талабчан раҳбар ўзининг қўлуқ 60 ёшини ана шундай ютуқлар билан нишонламақда. Бу илм намояндасининг баркамол ёшидир.

Э. ШАЙХОВ,
Тошкент давлат деҳқончилик дорилфунун ректори, профессор, Республика халқ деутати.

Ҳ. КИМСАНБОВ,
дорилфунун кафедраси мудир, биология фанлари доктори, профессор.

ЧИҚИНДИДАН
ҒИШТ

Уй-жойларини иситиб, хонадонларнинг иссиқ суғига бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилаётган қозонхоналар асосан ёнғилда ишлайди. Қўмири ёнғилдан чиққан кул ва шлаклар қўп йиллар давомида йиғилиб, Чортоқда тепа ҳосил қилганда, Теварак атрофининг ораста манзарасини бузиб, одамлар дилини ғаш қилиб келаятган бу қўлтепаи қандай даф қилиш керак? Ундан бирор мақсадда фойдаланиб бўлмасмикин? Чортоқни ишбилармонлар кейинги пайтларда бу ҳақда бош қотириб келишарди. «Қушод» қишлоғидаги ғишт ишлаб чиқаришга иштироклаган қишқик корхона оғирбосчи Тобижон Умаров бунинг илжонини топти. Ана шу кул ва шлакдан бирга бир мисдориди цемент аралаштириб, ғишт тайёрлаш усулини ишлаб чиқди. Бундай ғиштлар метин-мустаҳкамлиги ва қаттиқлиги билан ажралиб туради.

Район ижроия қопитети ташаббускорини қўллаб-қувватлаб, зарур асбоб-ускуналарини топиб келтиришга моддий ёрдам кўрсатди. Шу аснода Чортоқда чиқиндилардан ғишт ишлаб чиқариладиган ҳис барпо этилди. Ишонхоннинг ўзида ғишт савдоси ҳам йўлга қўйилган. Донаси 1 сўм 12 тийин. Бу шахсий уй-жой қуришга киришган кишиларга жуда қўл келаяти, улар ишонхоннинг ўзидан керакли материални харид қилишмоқда. Хар мингта ғишт 28 сўмдан соф даромад берапти. Цех бошлиғи Тобижон Умаровнинг режалари катта. У ишчилар сонини ошириш, ишлаб чиқариш имкониятини кенгайтириш йўлида ютуриб-елмоқда. Чортоқликлар бугун уни Тобижон ишбилармон деб аташмоқда.

У. МУҲАМЕДОВ.

МЕХНАТГА ЯРАША РАҒБАТ

«Жонгелди» давлат наслчилик заводи чўпон-чўлиқлари ҳўжалик йилини муваффақиятли янғилламоқдалар. Хозирнинг ўзида бу ерда тармоқдан 1 миллион 25 минг сўм соф фойда олинди. Рентабеллик даражаси 41 фоизни ташкил этмоқда.

Сержило қоракўл терилари билан суҳрат қозонган маъкур ҳўжаликда касбини ардоқлаётган илгор қўйчивонлар қўп. Ошқойиб Нурментаев, Ермақбой Абдухайров, Жарбусин Бойбўсовин ана шулар жумласидан. Яқинда уларга меҳнатда ярашган муваффақиятлари учун Ўзбекистон халқ ҳўжалиги ютуқлари кўрғазмасининг биринчи, иккинчи, учинчи даражали дипломлари ва пул мукофотлари топширилди.

О. СОТЛИҚОВ.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ТАЪСИС МАЖЛИСИ

ПАРИЖ. (ТАСС мухбири Виктор Хреков). Жаҳон фан илмгоҳи илм-фаннинг ҳозирги аҳоли тўғрисида таҳлилий шарҳларни тайёрлашнинг, тадқиқот ишларининг стратегик йўналишларини аниқлашнинг ўз олдида мақсад қилиб қўймоқда. 17 мамлакатдаги жаҳонга машҳур элликка яқин олимни бирлаштирувчи ана шу ташкилот-

нинг таъсис мажлиси Франция пойтахтида бўлиб ўтди. Таниқли француз олими Андре Лихмерович илмгоҳ Президентини этиб сайланди. Илмгоҳнинг дастлабни аъзолари орасида турли йилларда илм-фаннинг турли соҳаларида Нобель мукофотини олган ўн нафар олим, шу жумладан французлар Франсуа Жакоб, Жан Доссе, швей-

цариялик Вернер Арбер, америкаликлар Дэвид Балтимор, Чарльз Харт Таунс ва бошқалар бор. Илмгоҳнинг бир овоздан маълумланган хартиясида «олимларнинг халқаро ҳам-жамияти ҳозирги жамяят тақдири учун зиммасидаги масъулиятини рад этаолмаслиги» алоҳида таъкидланган.

Жаҳон фан илмгоҳи ҳар

йили илмий-тадқиқот ишларининг ҳозирги аҳоли тўғрисидаги батафсил маълумотномани, шунингдек илм-фан-техника тараққиёти ютуқларини оммалаштиришга қаратилган турли мавзулардаги монографияларини эълон қилиб боради. Энергиянинг янги манбаларига бағишланган тадқиқотлар янги илмгоҳнинг дастлабки иши бўлади.

МАҲФИЙ ҲУҲЖАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

ПРАГА. (ТАСС мухбири Виталий Яромешский). Чехословакиядаги 1968 йил август воқеаларига доир «маҳфий» ва «мутлақо маҳфий» деган муҳрлар босилган ҳўжатлар СССР Ташқи ишлар вазирлиги архивидан олинди. Чехословакия ҳўкумати 1967—1970 йиллар даврида таҳлил қилиш билан шугулланмаётган комиссиянинг раиси Войтех Менцла топширилди.

Ташқи ишлар вазирлигининг архивидagi ҳўжатларнинг ошқор қилиш ҳаракати Эдуард Шеварднадзе вазир

заятга амалда қандай баҳо берилганлигини билишимиз мумкин. Москва маълумотларини Прагадаги элчихона орқали, Давлат хавфсизлик қопитетининг разведка тармони орқали, аввало Совет ҳарбий разведкаси орқали олган.

Олимнинг фикрича, манзарани тўла тасаввур этиш учун КПСС Марказий Қопитети архивларини ҳам ўрганиш зарур. Ундаги ҳўжатлар тарихчилар ишида асосий аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

АҚШ ҚАРЗИНИ ҚАЙТАРМОҚЧИ

ТЕХРОН. (ТАСС). АҚШ 1981 йилдан буён Эрондан 278 миллион доллар қарздор эди, ана шу қарзни қайтариб беришга рози бўлди, — деди Эрон пойтахтида ҳўқуқий хизмат халқаро ташкилотининг вакили: Ир-на ахборот бошқармаси шу вакилнинг гапларига асосланиб хабар қилишча, Гаагадаги халқаро суд қурол-

ароғ сотиб олиш учун АҚШга ўтказилган пулни Вашингтон Техронга қайтариб бериши керак, деб қарор чиқарди. Қўшма Штатлар судининг бу ҳўқимга рози бўлди. 1981 йилда халқаро мақсасида Эрон билан Ироққа қурол-яроғ етказиб беришни тўхтатиб қўйиш ўз кучида турганлиги: муносабати билан Қўшма Штатлар қурол

етказиб беришга доир шу битимни бажаришдан бош торган эди. Ҳўқуқий хизмат халқаро ташкилотининг вакили Эрон-Америка молиявий илжосининг ҳал этилганлиги «Ливанда гаровга ушлаб турилган Ғарб мамлакатлари фуқароларини озод этиш билан мутлақо бериқ эмаслигини» ҳам айтди.



ТАНЮГ агентлигининг хабар беришча, Югославиядаги қирғинбарот тўқнашуларда ҳалок бўлганлар сонини орттиб бормоқда, вайронгарчиликлар туфайли қўриқланган зарар эса ҳозирдаёқ 20 миллиард долларга етди. Ўз истиқомат

жойларини тарқ этганлар сонини 300 минг атрофида бўлиб, уларнинг ярмидан қўпчилиги бошлар ташкил этиди. СУРАТДА: бошланасидан маҳрум бўлган қочоқлар. ТАНЮГ—ТАСС сурати.

